

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАДАНИЯТ ВА АХЛОҚ МЕЗОНЛАРИ: ЗАМОНАВИЙ ТАҲЛИЛ

ИШОНҚУЛОВ М.У.

Ангрен университети
“ Педагогика ва психология”
кафедраси профессори,
педагогика фанлари доктори

Аннотация: Мақолада маданият сўзи, унинг моҳияти, маданий муҳит ва унда инсоннинг шаклланиши ҳамда инсониятнинг ўзи ҳам маданият маҳсули эканлиги ёритилган. Таълим муассасасида одоб-ахлоқ қоидаларининг роли ва таълим муассасаси раҳбарининг юксак инсоний фазилатларга эга бўлиши фазилатлари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: Маданиятчилик, одоб-ахлоқ қоидалари, маданий муҳит, бошқарув этикаси, тартиб-интизом, таълим сифати, инсонийлик, ҳўжалик фаолияти, ижро интизому.

Аннотация: В статье рассматриваются понятие культуры, её сущность, культурная среда и формирование личности в ней, а также тот факт, что человечество само по себе является продуктом культуры. Освещается роль норм этики и морали в образовательных учреждениях, а также необходимость наличия высоких человеческих качеств у руководителя образовательного учреждения.

Ключевые слова: Культура, нормы этики и морали, культурная среда, этика управления, дисциплина, качество образования, человечность, хозяйственная деятельность, исполнительская дисциплина.

Abstract: The article examines the concept of culture, its essence, the cultural environment, and the formation of an individual within it, as well as the idea that humanity itself is a product of culture. It highlights the role of ethical and moral norms in educational institutions and the importance of high human qualities in the head of an educational institution.

Keywords: cultural awareness, ethical and moral norms, cultural environment, management ethics, discipline, quality of education, humanity, economic activity, performance discipline.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2023 йилнинг 22 декабрида Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида маънавият ва маърифат масканларини капитал таъмирлаш, жихозлаш, учинчи ренессанс пойдеворини мустаҳкам қилиш, санъаткорлар ва ижодкорлар билан учрашиши ҳамда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари

меҳнатини рағбатлантириш масалаларига эътиборни қаратган ҳолда таълим муассасаларида маданиятлилик даражаларига ҳам алоҳида тўхталдилар¹.

Эътиборимизни таълим муассасаларида маданиятлилик даражаларини ўрганишга қаратадиган бўлсак, аввалом бор маданият сўзининг маънисини тушуниб олишимиз керак. Маданият – бу инсонларнинг ижодий фаолияти туфайли яратилган моддий ва маънавий бойликлар мажмуидир. Маданият сўзи арабчадан олинган бўлиб таълим-тарбия кўрган, табиат ва ўзаро муносабатларда акс этадиган инсон фаолиятининг ўзига хос усули ҳисобланади. Маданият алоҳида шахснинг ҳаёт фаолияти, ижтимоий гуруҳнинг ёки жамиятнинг ҳаёт фаолияти усулини акс эттиради. Демак маданият инсон фаолиятининг сифат кўрсаткичи. Инсониятнинг ўзи ҳам пировард натижада маданият маҳсулидир. Маданий муҳит қандай бўлса, инсон ҳам шундай шаклланади. У мазмун ва таркибига кўра миллат, жамият, жамоа маданиятлиликларидан фарқ қилади. Таълим муассасаларининг асосий мақсадлари сифатида уларнинг одоб-ахлоқ қоидаларидан фарқли томони ўқитувчи-ҳодимларнинг ватанига садоқат билан хизмат қилишлари, таълим-тарбия ва жамиятни ривожлантиришга ўз хиссаларини қўшиш даражаларини ошириш масалалари кўрилади.

Бизнинг мисолимизда Ангрен университетининг одоб-ахлоқ қоидалари университетнинг 2023 йил 29 сентябридаги 1-сонли қарори билан тасдиқланган ва у 25 та бобдан ташкил топган бўлиб, унда қоидаларнинг мақсад ва вазифалари; ходим ва талабаларнинг юриш-туриши ва расмий мулоқотига оид талаблар; ходим, талабаларнинг расмий мулоқот меъёрлари; университетда ғайри ахлоқий ва ножўя хатти ҳаракат ларни содир этишга йўл қўйилмаслиги; университет раҳбариятининг одоб ахлоққа оид мажбуриятлари ва касбий фаолиятида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликка оид тартиблар; ходим ва талабаларнинг ўзаро муносабатларига оид талаблар ва бошқалар белгиланган. Таълим муассасаларида маданиятлиликка амал қилинишида аввалом бор таълим муассасаси раҳбарининг ҳамда бошқа мутасаддиларининг ўрни ва роли жуда катта. Таълим муассасасининг маданиятчилиги унинг фаоллигини акс эттириши билан бирга ҳар бир ўқитувчи-ҳодимнинг ҳам шу маданиятлиликка муносабатини акс эттиради. Таълим муассасасида маданий муҳит яхши бўлиши учун таълим муассасаси раҳбари юксак инсоний фазилатларга эга бўлиши керак. Бундан ташқари унда таълим муассасасини бошқара олиши учун маълум миқдорда бошқарув этикаси ҳам бўлиши лозим.

Бошқарув этикаси деганда биз эшитиш, рағбатлантириш, ўз фикрини маъқуллай олиш, жазолаш, маъсулиятни ўз зиммасига ола билиш, ходимлар ҳаётига бефарқ бўлмаслик, инсонийликни қўллашларини тушунишимиз мумкин. Мен фаолият кўрсатаётган таълим муассасасида асосий эътибор тартиб интизомга ва таълим сифатига қаратилган. Иккала масала ҳам доимо таълим

¹ Маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши керак
<https://president.uz/uz/lists/view/6941>

муассасаси рахбари эътиборида бўлиши билан улар инсонийлик ва маъсулият хисси билан ижросини назоратга олганлар. Бу таълим муассасаси равнақиға, шу даргоҳда фаолият кўрсатиш истагидаги мутахассислар сонинини ортиши, ўқиш истагини билдирган талабалар сонининг ортиб боришиға олиб келмоқда. Мана шунинг учун ҳам шу кунгача ўқитувчи-ходимлар ва талабалар ўртасида ўз хоҳишларига кўра ишдан бўшаб кетиш ва ўқишдан кетиш ҳолатлари кузатилмади. Демак таълим муассасасининг маданиятчилиқ даражаси кўрсаткичлари, таълим-тарбия самарадорлиги ўқитувчи-ходимлар томонидан қадрланаётган тамойилларға боғлиқ бўларкан. Шунинг учун таълим-тарбия ва ҳўжалиқ фаолиятида ижро интизоми, самарадорлиқ, ташаббускорлиқ каби сифатлар юқори бўлган сари таълим муассасамизда бор ижтимоий-психологик ҳамда маънавий муҳит кейинги ўринларға тушиб кетмоқда. Таълим муассасамизда маданиятчилиқ даражаси юксалиб борган сари Янги Ўзбекистонимизнинг “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун” дастури асосида янада ривожланишиға, маданиятчилиқ даражаси ортиб боришиға ўз хиссасини қўшаётганлиғига амин бўлиб борамиз.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш ўринлики, таълим муассасаларидаги маданиятчилиқ даражасини ошириш муҳим аҳамиятға эға, ҳамда у ўқитувчи-профессорлар, ишчи-ходимлар ва ўқувчи-талабалар орасида ўзининг ижобий натижаларини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023. <https://lex.uz/docs/6445145>
2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2019.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиғи бизнинг фаолиятимизға берилган энг олий баҳодир. – Т.: Ўзбекистон, 2020.
4. Озод Шарафиддинов. Танланган асарлар. – Тошкент: “Шарқ”, 2019.
5. Абдурашидов Зайнобидин. Маҳмудхўжа Бехбудий. – Тошкент: “Ёшлар нашриёт уйи”, 2022.
6. <https://president.uz/uz>
7. <https://ac.auni.uz/>